



ЎЗБЕКЧА ВЕРСИЯ

# ҚОЧОҚЛАР МАҚОМИ ТҮФРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

## **МУҚАДДИМА**

Юқори аҳдлашаётган томонлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави (Низоми) ва 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамма одамлар асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч бир камситишсиз фойдаланишлари зарурлиги тамойилини ўрнатганини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўп маротаба қочоқларнинг тақдирига чуқур қизиқиш кўрсатиб ва қочоқлар қайд этилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан иложи борича кенгроқ фойдаланишларини таъминлаш учун саъй-ҳаракатлар қилганини эътиборга олиб,

қочоқлар мақомлари тўғрисида илгари тузилган халқаро битимларни қайта кўриб чиқиш ва бирлаштириш ҳамда ушбу шартномаларни қўллаш соҳаларини кенгайтириш ва янги битим тузиш орқали уларга ҳимоя қилишни тақдим этиш мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб,

бошпана ҳуқуқини тақдим этиш айрим мамлакатларга бениҳоя оғир юк бўлиши мумкинлигини ҳамда шунинг учун халқаро кўлами ва хусусияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олинган муаммоларни халқаро ҳамкорликсиз қониқарли ҳал этиб бўлмаслигини эътиборга олиб,

барча давлатлар қочоқлар муаммоларининг ижтимоий ва инсонпарварлик хусусиятини тан олган ҳолда, ушбу муаммо билан боғлиқ давлатлар ўртасидаги ихтилофнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришлари истагини ифода этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссарига қочоқларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенцияларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш топширилганини ва ушбу муаммони ҳал этиш учун кўрилаётган чораларни мувофиқлаштиришнинг самарадорлиги давлатларнинг Олий комиссар билан ҳамкорлигига боғлиқлигини таъкидлаб,

Кўйидаги битимни туздилар:

# I Боб: Умумий қоидалар

## 1-МОДДА

### «ҚОЧОҚ» ТУШУНЧАСИНІ БЕЛГИЛАШ

**A.** Ушбу Конвенцияда «қочоқ» атамаси қуидаги шахсни назарда тутади:

- ❶ 1926 йил 12 майдаги ва 1928 йил 30 июндаги күчга киргандын битимлар ёки 1933 йил 28 октябрдаги ва 1938 йил 10 февралдаги күчга киргандын Конвенция, 1939 йил 14 сентябрдаги Протокол ёхуд күчга киргандын Қочоқлар ишлари бўйича халқаро ташкилот Низомида қочоқ сифатида қаралган;

Қочоқлар ишлари бўйича халқаро ташкилот фаолияти давомида қочоқлар деб ҳисоблаш ҳуқуқини рад этиш тўғрисидаги қарор ушбу бўлимнинг 2-бандида белгиланган шартларга жавоб берувчи шахсларга қочоқ мақомини беришга тўсқинлик қилмайди;

- ❷ 1951 йил 1 январига қадар содир бўлган ҳодисалар оқибатида ва ирқи, эътиқоди, фуқаролиги, муайян ижтимоий гурӯҳ ёки сиёсий эътиқоди бўйича таъқиб қилиниш жабрдийдаси бўлишининг асосли хавфи сабабли фуқароси бўлган мамлакат ташқарисида ҳамда ушбу мамлакат ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёхуд ана шундай хавф оқибатида фойдаланишни хоҳламайдиган; ёки муайян фуқароликка эга бўлмаган ва шу каби ҳодисалар оқибатида ўзи аввалги одатий яшаб келган мамлакат ташқарисида бўлгани ҳолда ана шундай хавфлар оқибатида қайтиб кела олмайдиган ёхуд қайтиб келишни хоҳламайди.

Бирон бир шахс бир неча мамлакатнинг фуқароси бўлган ҳолатларда «унинг фуқаролиги мансуб мамлакат» ифодаси у фуқаро бўлган ҳар қандай мамлакатни англатади ва агар жуда асосланган хавфлардан келиб чиққан ҳолда ҳеч бир ҳақиқий сабабсиз ўзи фуқароси бўлган мамлакатлардан бирининг ҳимоясидан фойдаланмаган бўлса, фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат ҳимоясидан маҳрум этилган деб ҳисобланмайди.

**B.**

- 
- 1** Ушбу Конвенциянинг 1-моддаси, А бўлимида келтирилган «1951 йил 1 январгача содир бўлган ҳодисалар» сўзлари ёки:
    - а) «Европада 1951 йил 1 январгача содир бўлган ҳодисалар»ни; ёхуд
    - б) «Европада ёки бошқа жойларда 1951 йил 1 январгача содир бўлган ҳодисалар»ни англатади; ва ҳар бир Аҳдлашаётган давлат Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки унга кўшилиш пайтида ушбу Конвенция асосида ўз зиммасига олган мажбуриятларига нисбатан юқорида кўрсатилган қайси таърифга амал қилишини аниқ кўрсатади.
  - 2** Муқобил маънони қабул қилган ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат, а) муқобил маънони қабул қилиб, б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қилиш орқали ўз зиммасига олган мажбуриятлар қамровини хоҳлаган вақтда кенгайтириши мумкин.

**C.** Ушбу Конвенциянинг қоидалари А) бўлимидағи таърифга тааллуқли шахсларга нисбатан қўлланилмайди, булар:

- 
- 1** ўз фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат ҳимоясидан ихтиёрий равишда яна фойдаланганларга; ёки
  - 2** фуқароликдан маҳрум бўлиб, яна ихтиёрий равишда уни қабул қилганларга; ёки
  - 3** янги фуқароликни қабул қилган ва янги фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат ҳимоясидан фойдаланаётганларга; ёки
  - 4** таъқиб қилиниш хавфи остида ўз мамлакатини тарк этган ёки ташқарисида бўлган мамлакатига яна ихтиёрий равишда жойлашиб олганларга; ёки
  - 5** ўз фуқаролиги мансуб мамлакатнинг ҳимоясидан бундан буён фойдаланишни рад эта олмайдиганларга ёхуд унинг асосида қочоқ дебтан олинган ҳолат эндиликда мавжуд бўлмаса;

агар қочоқлар ўз фуқароликлари мансуб бўлган мамлакат ҳимоясидан фойдаланишни рад этишлари учун аввалги таъқиблардан келиб чиқадиган асосларни келтиришга қодир бўлсалар, ушбу банднинг қоидалари ушбу модда А) бўлими 1-банди қоидаларига мос тушадиган қочоқларга нисбатан қўлланилмайди;

- 6** қочоқ деб тан олинган ҳолатлар эндиликда мавжуд эмаслигига асосланиб, муайян фуқароликка эга бўлмаган шахс аввалги одатий яшаш мамлакатига ёхуд шароитига қайтиши мумкин;

агар қочоқлар аввалги одатий яшаш мамлакатларига қайтишни рад этишлари учун аввалги таъқиблардан келиб чиқадиган асосларни келтиришга қодир бўлсалар, ушбу банднинг қоидалари ушбу модда А) бўлими 1-банди таърифига мос тушадиган қочоқларга нисбатан қўлланилмайди;

- D.** Ушбу Конвенциянинг қоидалари ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссаридан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ёки муассасаларининг ҳимояси ёки ёрдамидан фойдаланаётган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган тегишли резолюцияларга мувофиқ, ушбу шахсларнинг аҳволи узил-кесил тартибга солинганига қадар бундай ҳимоя ёки ёрдам қайсиридир сабабларга кўра тўхтатилган ҳолатларда ушбу шахслар автомат тарзда мазкур Конвенциядан келиб чиқадиган хукуқларга эга бўлади.

- E.** Ушбу Конвенциянинг қоидалари улар яшаётган мамлакатнинг ваколатли органлари ушбу мамлакат фуқаролиги билан боғлиқ хукуқ ва бурчларини тан олган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

- F.** Ушбу Конвенциянинг қоидалари уларга нисбатан қўйидаги жиддий асослар бўлган барча шахсларга нисбатан қўлланилмайди:

а) тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ёки инсониятга қарши жиноятларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида тузилган

- халқаро ҳұжжатларда белгилаб қўйилған таърифларга мос тушадиган жиноятларни содир этгандарга;
- b) ўзларига бошпана берган мамлакат ташқарисида ва қочоқ сифатида киритилған мамлакатта киритилгунга қадар сиёсий хусусиятга эга бўлмаган оғир жиноят қилғандарга;
- c) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти принципларига зид бўлган қилмишларни содир этгандарга.

## **2-МОДДА**

### УМУМИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

Ҳар бир қочоқда ўзи бўлиб турган мамлакатга нисбатан мажбуриятлар бўлади, ана шунга мувофиқ у, жумладан, қонунлар ва фармойишларга, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш учун кўриладиган чораларга бўйсуниши керак.

## **3-МОДДА**

### КАМСИТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСЛИК

Аҳдлашаётган давлатлар қочоқларга нисбатан ушбу Конвенция қоидаларини ирқи, дини ёки келиб чиқиш мамлакати белгиси бўйича ҳеч бир камситишсиз кўллайдилар.

## **4-МОДДА**

### ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР

Аҳдлашаётган давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидаларини ўз ҳудудларида турган қочоқларга ўз динларига эътиқод қилиш эркинлиги ва ўз фарзандларига диний таълим бериш эркинлигига нисбатан ҳеч бўлмагандан ўз фуқароларидаги каби қулайлик тақдим этадилар.

**5-МОДДА****УШБУ КОНВЕНЦИЯДАН ҚАТЬИ  
НАЗАР ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ҲУҚУҚЛАР**

Ушбу Конвенциядаги ҳеч нарса ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат ушбу Конвенциядан қатьи назар, қочоқларга тақдим этилган ҳеч бир ҳуқуқ ва устунликларни бузмайди.

**6-МОДДА****“ХУДДИ АНА ШУНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА” ИФОДАСИ**

Ушбу Конвенцияда “худди ана шундай ҳолатларда” ифодаси ўз хусусиятига кўра қочоқ фойдаланиш учун қодир бўлмаган талаблар истисно этилган ҳолда, у қочоқ бўлмаганида, мазкур шахс тегишли ҳуқуқдан фойдалана оладиган ҳар қандай талабларни (шу жумладан, мамлакатда бўлиши муддати ва қолиш шароитлари ёки яшашига тааллуқли талабларни) англатади.

**7-МОДДА****ЎЗАРОЛИК ТАМОЙИЛИДАН ИСТИСНОЛАР**

- ❶** Аҳдлашаётган давлатлар ушбу Конвенция асосида қочоқларга мақбулроқ ҳуқуқий қоидалар тақдим этиши ҳолатларидан ташқари уларга умуман чет элликлар фойдаланадиган ҳолатни тақдим этади.

---

- ❷** Аҳдлашаётган давлатлар худудида уч йиллик яшаш муддати тугагандан сўнг, барча қочоқлар қонунчилик орқали ўрнатилган ўзаролик талабидан озод қилинади.

---

- ❸** Ҳар бир Аҳдлашаётган давлат қочоқларга ушбу Конвенция ушбу давлатга нисбатан кучга кирган кунда ҳеч бир ўзароликсиз эга бўлган ҳуқуқ ва имтиёзларни тақдим этишда давом этадилар.

---

- ❹** Аҳдлашаётган давлатлар қочоқларга 2 ва 3-бандларда назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари ҳеч бир ўзароликсиз ҳуқуқ ва имтиёзлар тақдим этилишига ҳамда қочоқларни 2- ва 3-бандларда кўзда тутилган шартларга жавоб бермайдиган ўзаролик талабидан озод этилиши мумкинлигига хайриҳоҳлик билан қарайдилар.

- 
- 5** 2- ва 3-бандларнинг қоидалари ушбу Конвенциянинг 13, 18, 19, 21 ва 22-моддаларида қайд этилган хуқуқ ва имтиёзларга ҳамда унда кўзда тутилмаган хуқуқ ва имтиёзларга нисбатан ҳам қўлланилади.

## **8-МОДДА**

### АЛОХИДА ЧОРАЛАРНИНГ ИСТИСНОСИ

Чет эл фуқаролари бўлган шахсларга, мулки ёки манфаатларига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган истично чоралари Аҳдлашаётган давлатлар томонидан фақат фуқаролиги асосида расман ушбу давлат фуқаролари бўлган қочоқларга нисбатан қўлланилмайди. Қонунчилиги ушбу моддада ифода этилган умумий тамойилнинг қўлланилишига йўл қўймайдиган Аҳдлашаётган давлатлар тегишли ҳолатларда ушбу қочоқлар манфаатларини кўзлаган ҳолда истиснолар ўрнатади.

## **9-МОДДА**

### ВАҚТИНЧАЛИК ТАДБИРЛАР

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса Аҳдлашаётган давлатларга уруш пайтида ёки бошқа фавқулодда ва алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлганида ушбу Аҳдлашаётган давлат томонидан шахс ҳақиқатан қочоқ эканлиги аниқлангунга қадар ва унга нисбатан давлат хавфсизлиги манфаатлари учун алоҳида чоралар кўриш зарур бўлганида ушбу шахсга нисбатан давлат хавфсизлиги манфаатлари учун зарур деб ҳисоблаган вақтинчалик чораларни кўриш хуқуқидан маҳрум этмайди.

## **10-МОДДА**

### ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 
- 1** Агар қочоқ Иккинчи жаҳон уруши пайтида депортация қилинган ва Аҳдлашаётган давлатлардан бирининг худудига жўнатилган ҳамда ўша жойда яшаётган бўлса, бундай мажбурий бўлиш ушбу худуд доирасида қонуний истиқомат қилиш вақти сифатида кўрилади.
- 
- 2** Агар қочоқ Иккинчи жаҳон уруши пайтида Аҳдлашаётган давлатлардан бирининг худудига депортация қилинган бўлса ва ушбу Конвенция кучга киргунга қадар ўша жойда доимий истиқомат қилиш мақсадида

ўша ерга қайтиб келган бўлса, шундай депортациядан олдин ва кейин истиқомат қилиши даври истиқомат қилиш узлуксизлиги талаб этилган барча ҳолатларда бир узлуксиз давр сифатида кўрилади.

## **11-МОДДА**

### **ҚОЧОҚ ДЕНГИЗЧИЛАР**

Агар қочоқлар Аҳдлашаётган давлатлардан бирининг байроқлари остида сузаётган кемалар экипажида нормал хизмат қилаётган шахс бўлса, ушбу давлат мазқур шахсларнинг ўз ҳудудида жойлашишига ва уларга йўл ҳужжатларини бериш ёки, жумладан, қайсиdir бир бошқа мамлакатда жойлашишини енгиллаштириш мақсадида ўз ҳудудига кириш вақтинчалик ҳукуқининг берилишига хайриҳо бўлади.

## **II Боб: Ҳукуқий мақом**

### **12-МОДДА**

### **ШАХСИЙ МАҚОМ**

- ❶** Қочоқнинг шахсий мақоми унинг доимий яшаш жойидаги мамлакат қонунлари ёки бундай яшаш жойи бўлмаса, яшаётган жойидаги мамлакат қонунлари билан аниқланади.
  
- ❷** Қочоқнинг шахсий мақоми билан боғлиқ аввалдан мавжуд бўлган ҳукуқига ва, хусусан, никоҳдан келиб чиқадиган ҳукуқига, зарур ҳолатларда, тегишли ҳуқуқ ушбу давлат қонунларида тан олинган ҳукуқлардан бири бўлиши шарти билан, ушбу давлатнинг қонунларида белгилаб қўйилган расмиятчиликлар агар ушбу шахс қочоқ бўлмаганида, Аҳдлашаётган давлатлар томонидан бажарилиши бўйича амал қиласди.

## **13-МОДДА**

### **КҮЧАР ВА КҮЧМАС МУЛК**

Аҳдлашаётган давлатлар күчар ва күчмас мулкни олишга нисбатан ва бу билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларга, шунингдек күчар ва күчмас мулкка таал-луқли ижара ҳамда бошқа шартномаларга нисбатан қочоқларга мақбулроқ имкониятларни, ҳар ҳолда, ана шундай вазиятларда чет элликлар одатда фойдаланадиган имкониятлардан кам бўлмаган имкониятларни тақдим этадилар.

## **14-МОДДА**

### **МУАЛЛИФЛИК ВА САНОАТ ҲУҚУҚЛАРИ**

Саноат ҳуқуқлари, хусусан: ихтиро, чизмалар, моделлар, савдо маркази, фирма номларига ҳуқуқлар ҳамда адабий, бадиий ва илмий асарларга бўлган ҳуқуқларга келганда, одатий турар жойига эга бўлган мамлакатдаги қочоқларга ушбу мамлакат фуқароларига тақдим этиладиган ҳимоя тақдим этилади. Ҳар қандай бошқа Аҳдлашаётган давлатларнинг ҳудудларида уларга ушбу ҳудудда одатда ўз турар жойи бўлган мамлакат фуқароларига тақдим этиладиган ҳимоя тақдим этилади.

## **15-МОДДА**

### **АССОЦИАЦИЯ ҲУҚУҚИ**

Сиёсий хусусиятга эга бўлмаган ва манфаат олиш мақсадини кўзламайдиган ассоциациялар ва касаба уюшмаларга нисбатан Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган фуқароларга ҳудди шундай вазиятда чет эл фуқаролари учун белгиланганига мутаносиб янада қулайроқ имконият тақдим этилади.

**16-МОДДА****СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ**

- ①** Ҳар бир қочоқ барча Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудларида судга эркин мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- ②** Аҳдлашаётган давлатларнинг ҳудудларида одатдаги турар жойга эга бўлган ҳар бир қочоқ судга мурожаат қилиш ҳуқуқига нисбатан ўз фуқаролари эга бўлган имкониятга, жумладан, ҳуқуқий ёрдам ва суд харажатларини тўлашдан озод бўлиш (*cautio judicatum solvi*) ҳуқуқига эга бўлади.
- ③** 2-бандда қайд этилган масалалар бўйича одатдаги турар жойидаги мамлакат фуқароларига нисбатан тақдим этиладиган қоидалар одатий яшаш мамлакатидан ташқари барча мамлакатлардаги ҳар бир қочоққа ҳам тақдим этилади.

**III Боб: Даромад келтирадиган машғулот****17-МОДДА****ЁЛЛАНИБ ИШЛАШ**

- ①** Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган қочоқларга ёлланиб ишлаш ҳуқуқига нисбатан худди шундай вазиятда чет эл фуқаролари фойдаланадигандан янада қулайроқ имконият тақдим этадилар.
- ②** Ҳар қандай ҳолатда хорижларга ёки уларни ёллашга тааллуқли ва ички бозорни муҳофаза қилиш мақсадида қўлланиладиган чеклов чоралари Аҳдлашаётган давлатларга нисбатан ушбу Конвенция кучга кирган кунида мазкур чоралар қочоқларга қўлланилмаганлиги ёки қуйидаги шартлардан бири қониқтирилади:
  - а) мамлакат ҳудудида уч йилдан кам бўлмаган муддатда яшайдилар;

б) турмуш ўртоғи яшаш мамлакатининг фуқаролигига эга. Қочоқ оилани тарк этган бўлса, у ушбу қарорга ҳавола қилиши мумкин эмас;

с) бир ёки бир нечта фарзанди яшаш мамлакатининг фуқаролигига эга.

- 
- ③ Аҳдлашаётган давлатлар барча қочоқларнинг, жумладан, иш кучини ёллаш дастурини бажариш ёки миграция режаларига кўра ҳудудларига кирган қочоқларга ёлланиб ишлашга нисбатан ҳуқуқларини фуқароларнинг ҳуқуқларига тенглаштириш имкониятига хайриҳоҳлик билан қарайди.

## **18-МОДДА**

### **ЎЗ КОРХОНАСИДА ИШЛАШ**

Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган қочоқларга мустақил равишда қишлоқ хўжалиги, саноат, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини, шунингдек савдо ва саноат ширкатларини таъсис этиш ҳуқуқини, ҳар ҳолда чет элликлар ана шундай ҳолатларда одатда фойдаланадигандан янада қулайроқ имконият тақдим этадилар.

## **19-МОДДА**

### **ЭРКИН КАСБЛАР**

- 
- ① Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган ва ушбу давлатнинг чуқур билимли маъмурлари томонидан тан олинган дипломга эга ва эркин касблар билан шуғулланишни хоҳлаётган қочоқларга иложи борича қулай ҳуқуқий ҳолатни ва ҳар қандай ҳолатда чет элликлар худди шундай шароитларда одатда фойдаланадиганидан янада қулайроқ имконият тақдим этадилар.
- 
- ② Халқаро муносабатлар учун масъул бўлган Аҳдлашаётган давлатлар ана шундай қочоқларни метрополия ҳудудларидан ташқарида жойлашишини таъминлаш учун ўзларининг қонунлари ва конституциялари йўл қўядиган барча чораларни кўрадилар.

## **IV Боб: Ижтимоий таъминот**

### **20-МОДДА**

#### **ПАЁКЛАР ТИЗИМИ**

Барча аҳоли учун мажбурий бўлган тақчил маҳсулотларни умумий тақсимлашни тартибга соладиган паёклар тизими мавжуд бўлган жойларда бундай тизим қочоқларга фуқаролар билан тенг асосларда қўлланилади.

### **21-МОДДА**

#### **ТУРАР ЖОЙ МАСАЛАСИ**

Турар жой масаласи қонунлар ёки фармойишлар орқали тартибга солиниши ёхуд давлат ҳокимияти томонидан назорат қилиниши туфайли Аҳдлашаётган давлатлар ўз худудларида қонуний яшаётган қочоқларга иложи борича қулайроқ ҳуқуқий ҳолатни ва ҳар қандай ҳолатда чет элликлар худди шундай вазиятларда одатда фойдаланадиганидан янада қулайроқ имконият тақдим этадилар.

### **22-МОДДА**

#### **ХАЛҚ ТАЪЛИМИ**

- 
- 1** Бошланғич таълимга нисбатан Аҳдлашаётган давлатлар фуқароларга бўлгани каби қочоқларга ҳам ҳуқуқий ҳолатни тақдим этадилар.

---

  - 2** Аҳдлашаётган давлатлар бошланғич таълимдан ташкари халқ таълимининг бошқа турларига ва, шу жумладан, ўқиш имконияти, чет эл аттестатлари, дипломлари, даражалари, ўқиш ҳуқуқи учун пул тўлаш ва йиғинлардан озод қилиш, шунингдек стипендия тақдим этишга нисбатан қочоқларга иложи борича қулай ҳуқуқий ҳолатни ва ҳар қандай ҳолатда чет элликлар худди шундай вазиятларда одатда фойдаланадиганидан янада қулайроқ имконият тақдим этадилар.

## **23-МОДДА**

### **ҲУКУМАТ ЁРДАМИ**

Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган қочоқларга ҳам ўз фуқаролари фойдаланаётган ҳукумат ёрдами ва қўллаб-кувватлашни тақдим этади.

## **24-МОДДА**

### **МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ**

**1** Аҳдлашаётган давлатлар фуқароларга бўлганидек ўз ҳудудларида қонуний яшаётган қочоқларга ҳам қўйидагиларга ҳолатларни тақдим этади:

- a) меҳнат учун ҳак, шу жумладан, оиласа нафақа, агар бундай нафақалар меҳнат ҳақининг бир қисми бўлса, иш вақтидан ортиқча иш, пул тўланадиган таътил, уйдаги ишни чеклаш, ёлланиб ишлаётган шахсларнинг энг кичик ёши, аёллар ва ўсмирлар учун шогирдлик ҳамда касбий тайёргарлик ва жамоавий шартномалар манбаатларидан фойдаланиш, чунки ушбу масалалар қонунлар ёки фармойишлар билан тартибга солинади ҳамда маъмурий ҳокимият томонидан назорат қилинади;
- b) қўйидаги чекловлар билан ижтимоий таъминот (ишда баҳтсиз ҳодисалар, оналиқ, касалланиш, ногиронлиқ, кексалиқ, ўлим, ишсизлик, оиласа нисбатан мажбуриятга тааллуқли ва ички қонунлар ёки фармойишларга мувофиқ ижтимоий таъминот тизими томонидан кўзда тутилади):
  - i) олинган ҳуқуқ ва олиниш жараёнида бўлган ҳуқуқни сақлашнинг тегишли тартиби мавжуд бўлиши мумкин;
  - ii) яшаб турган мамлакатнинг қонунлари ва фармойишлари тўлалигича давлат маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўла ёки қисман нафақа олиш ҳамда нормал пенсия олиш учун талаб қилинадиган бадалларга нисбатан барча шартларни бажармаган шахсларга тўла ёки қисман нафақа олиш ижтимоий тартибини тасдиқлаши мумкин.

- ❷** Қочоқнинг Аҳдлашаётган давлат ҳудудида яшамаслиги унинг иш жойидаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида келиб чиққан ўлими ҳолати ёки касб касаллиги учун товон пули олиш ҳуқуқига таъсир қилмайди.
- 
- ❸** Аҳдлашаётган давлатлар қочоқларга ижтимоий таъминотга нисбатан ўзаро тузилган битимлардан ёки келажакда олинган ҳуқуқларни ёхуд олиниш жараёнида бўлган ҳуқуқларни сақлашдан келиб чиқадиган устунликларни фақат юқорида қайд этилган битимларни имзолаган давлатлар фуқароларига нисбатан қўлланиладиган шартларга риоя қилган ҳолда тақдим этадилар.
- 
- ❹** Аҳдлашаётган давлатлар ҳар бир мазкур пайтда кучда бўлиши мумкин бўлган ушбу Аҳдлашаётган давлатларнинг ҳамда шартномада иштирок этмайдиган давлатларнинг ана шундай битимларидан келиб чиқадиган қочоқларга имконияти борича устунлик беришга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўладилар.

## V Боб: Маъмурий чоралар

### 25 МОДДА

#### МАЪМУРИЙ КЎМАКЛАШИШ

- ❶** Қочоқлар томонидан қайсиdir ҳуқуқдан фойдаланишда улар, одатда мурожаат қила олмайдиган чет эл давлати органларининг кўмаклашишини талаб қиласидилар, Аҳдлашаётган давлатлар эса бундай ҳолатларда, ўз ҳудудларида яшәётган ўша қочоқларга ушбу давлат вакиллари ёки бирор-бир ҳалқаро ташкилотлар томонидан ана шундай кўмак кўрсатилиши учун чоралар кўрадилар.
- 
- ❷** 1-бандда қайд этилган ҳокимият вакиллари ёки ҳокимликлар қочоқларни таъминлайдилар ёхуд ҳокимият ёки ўзлари фуқароси бўлган давлатларнинг ҳокимиятлари орқали, одатда хорижликлар учун бериладиган ҳужжатлар ёхуд гувоҳномалар берилишини ўз назорати остида амалга оширилишини таъминлайдилар.

- 
- ③** Ана шу тартибда берилган ҳужжатлар ёки гувоҳномалар, одатда чет элликларга ҳокимиятлар ёки ўзлари фуқароси бўлган давлат ҳокимияти орқали бериладиган расмий ҳужжатлар ёки гувоҳномалар ўрнига ўтади ҳамда улар ҳақиқий эмаслиги исботламагунча ҳақиқий деб тан олинади.
  - ④** Ушбу моддада қайд этилган хизматлар учун ночор шахсларга тақдим этиладиган алоҳида имтиёзлар истисно этилганда ҳақ олиниши ҳам мумкин, аммо бундай ҳақ мўътадил бўлади ҳамда ана шундай хизматлар учун фуқаролардан олинадиган ҳаққа мутаносиб бўлади.
  - ⑤** Ушбу модданинг қоидалари 27- ва 28-моддаларнинг қоидаларига даҳли йўқ.

## **26-МОДДА**

### ҲАРАКАТЛАНИШ ЭРКИНЛИГИ

Ҳар бир Аҳдлашаётган давлат ҳудудида қонуний яшаётган қочоқларга унинг ҳудуди доирасида барча қоидаларга амал қилиш шарти билан, одатда, ҳудди шундай ҳолатларда чет элликларга қўлланиладиган яшаш жойини танлаш ва эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини тақдим этади.

## **27-МОДДА**

### ШАХСИЙ ГУВОҲНОМА

Аҳдлашаётган давлат унинг ҳудудида бўлган ва ҳақиқий йўл ҳужжатларига эга бўлмаган қочоқларга шахсий гувоҳнома тақдим этади.

## **28-МОДДА**

### ЙЎЛ ҲУЖЖАТЛАРИ

- 
- ①** Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудларида қонуний яшаётган қочоқларга уларнинг ҳудудидан ташқарида ҳаракатланиш учун йўл ҳужжатлари беради, бунга давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибининг асосли сабаблари тўсқинлик қilmайди, бундай ҳужжатларга ушбу Конвенцияга илова қилинган қоидалар қўлланилади. Аҳдлашаётган давлатлар уларнинг ҳудудида бўлган ҳар қандай бошқа қочоққа ана шундай йўл ҳужжатлари беришлари мумкин, улар, жумладан, ҳудудларида

бўлган, ўзлари қонуний яшаётган мамлакатда йўл ҳужжатлари олиш имкониятига эга бўлмаган қочоқларга ана шундай йўл ҳужжатлари берилишига хайриҳоҳлик билан муносабатда бўладилар.

- ②** Қочоқларга аввалги ҳалқаро битимлар асосида берилган йўл ҳужжатлари Аҳдлашаётган давлатлар томонидан ушбу битимлар иштирокчилари сифатида қаралади ва бу ҳужжатлар улар томонидан берилгандек қаралади.

## 29-МОДДА

### СОЛИҚЛАР

- ①** Аҳдлашаётган давлатлар қочоқлардан ана шундай шароитларда ўз фуқароларидан оладиган ёки олишлари мумкин бўлган солиқлардан ташқари ёхуд кўп бож, йигинлар ёки солиқлар олмайди.
- ②** Аввалги банднинг қоидалари ҳеч бир ҳолда қочоқларга чет элликларга маъмурӣ ҳужжатларни, шу жумладан, шахс гувоҳномасини бериш учун йигинларга тааллуқли қонунлар ва фармойишлар қўлланилишини истисно этмайди.

## 30-МОДДА

### МУЛКНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ

- ①** Аҳдлашаётган давлатлар ўз қонунлари ва фармойишларига мувофиқ, қочоқларга уларнинг ҳудудига ўзлари билан олиб кирган мулкларини уларга жойлашиш учун кириш ҳуқуқи берилган бошқа мамлакатга олиб чиқишлирга рухсат берадилар.
- ②** Аҳдлашаётган давлатлар қочоқларнинг уларга кириш ҳуқуқи берилган бошқа мамлакатларда жойлашишлари учун зарур бўлган мулкларини, бу мулклар қаердалигидан қатъи назар, олиб чиқиб кетишлари тўғрисидаги илтимосномаларига хайриҳоҳлик билан муносабатда бўладилар.

## **31-МОДДА**

УЛАРГА БОШПАНА БЕРГАН МАМЛАКАТДА НОҚОНУНИЙ ЯШАЁТГАН ҚОЧОҚЛАР

- 
- ❶** Аҳдлашаётган давлатлар 1-моддада кўзда тутилган, ҳаётларига ёки эркинликларига хавф туғдирган ҳудуддан келиб, ўзларининг ҳудудларига ноқунуний киргандлари ёки ҳудудларида ноқунуний турганлари, рухсатсиз бу давлатларнинг ҳудудларига киргандлари ёки бўлишлари учун қочоқлар кечиктирмасдан ўзлари ҳокимият олдига боришлари ва ноқунуний киргандлари ёки бўлишларини қониқарли тушунтириб беришлари шарти билан жазо чоралари қўлламайдилар.
  - ❷** Аҳдлашаётган давлатлар бундай қочоқларнинг зарурат туғдирмасдан эркин ҳаракат қилишларини чекламайдилар; бундай чекловлар фақат бу қочоқларнинг мазкур мамлакатдаги мақоми тартибга солингандан кейин ёки улар бошқа мамлакатга кириш ҳукуқини олгандан кейин қўлланилади. Аҳдлашаётган давлатлар ана шундай қочоқларга бошқа мамлакатга киришлари учун етарли муддат ва барча зарур шартшароитларни тақдим этадилар.

## **32-МОДДА**

ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ

- 
- ❶** Аҳдлашаётган давлатлар ўз ҳудудларида қонуний яшаётган қочоқларни давлат хавфсизлиги ва жамоат тартиби нуқтаи назаридан бошқа ҳолатларда чиқариб юбормайдилар.
  - ❷** Бундай қочоқларни чиқариб юбориш фақат суд тартибида чиқарилган қарор ижроси сифатида амалга оширилади. Бунда давлат хавфсизлигининг узрли сабаблари истисно этилган ҳолда, қочоқларга ўзини оқлаш учун далил ва шикоятларни тегишли инстанциялар ёки тегишли инстанциялар томонидан тайинланган шахс ёхуд шахсларга тақдим этиш ҳукуқи, шунингдек ушбу мақсадда ўзларининг вакилларига эга бўлиш ҳукуқи берилади.
  - ❸** Аҳдлашаётган давлатлар ана шундай қочоқларга бошқа мамлакатга кириш учун қонуний ҳукуқ олишга етарли муддат тақдим этадилар.

Аҳдлашаётган давлатлар ана шу муддат давомида ўзлари зарур деб топган ички хусусиятга эга чораларни қўллаш хуқуқларини сақлаб қоладилар.

### **33-МОДДА**

#### **ҚОЧОҚЛАРНИ ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ ЁКИ МАЖБУРИЙ ҚАЙТАРИБ КЕЛТИРИШНИ (УЛАР КЕЛГАН МАМЛАКАТДАН) ТАҚИҚЛАШ**

Қочоқларни чиқариб юбориш ёки улар келган мамлакатдан мажбурий қайтариб келтиришни тақиқлаш

- 1** Аҳдлашаётган давлатлар ҳеч бир тарзда қочоқларни уларга ирқи, дини, фуқаролиги, муайян ижтимоий гурухга мансублиги ёки сиёсий эътиқоди оқибатида ҳаётлари ёки эркинликларига хавф туғдирадиган мамлакатларга чиқариб юбормайди ёки қайтариб бермайди.
  
- 2** Бироқ, бу қарор қочоқлар турган мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи узрли сабаб сифатида кўрилаётган ёки ўта оғир жиноят содир этганилиги бўйича хукм кучга кирган судланганлар ва мамлакат учун жамоат таҳдидини келтириб чиқарадиган қочоқларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

### **34-МОДДА**

#### **НАТУРАЛЛАШТИРИШ**

Аҳдлашаётган давлатлар имконият даражасида қочоқларнинг ассимиляцияси ва натураллаштирилишини енгиллаштиради. Жумладан, улар натураллаштириш ишини тезлаштириш ҳамда у билан боғлиқ йиғинлар ва харажатларни камайтириш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қиласди.

## **VI Боб: Конвенцияни қўллаш ва ўтиш даврига тааллукли қоидалар**

### **35-МОДДА**

МИЛЛИЙ ҲОКИМИЯТЛАР ВА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

- 
- 1** Аҳдлашаётган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ёки унинг вазифаларини бажариш ўтказилиши мумкин бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай бошқа органи билан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади ва, хусусан, ушбу Конвенция қоидаларининг қўлланилишини кузатиш бўйича мажбуриятларни бажаришга кўмаклашади.
  - 2** Олий комиссар бошқармаси ёки унинг ўрнини эгаллайдиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли органларига ҳисоботлар тақдим этиш имкониятини бериш учун Аҳдлашаётган давлатлар улар томонидан талаб қилинадиган, тегишли шаклдаги қўйидаги ахборотлар ва статистика маълумотлари билан таъминлаш мажбуриятини олади:
    - a) қочоқларнинг аҳволи;
    - b) ушбу Конвенциянинг ҳаётга татбиқ этилиши;
    - c) қочоқлар масалалари бўйича кучга кирган ёки кейинчалик кучга кириши мумкин бўлган қонунлар, фармойишлар ва декретлар.

### **36-МОДДА**

МИЛЛИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Аҳдлашаётган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини ушбу Конвенцияни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида чиқарилган қонун ва фармойишлар матнидан хабардор қиласидар.

**37-МОДДА****АВВАЛ ИМЗОЛАНГАН КОНВЕНЦИЯЛАР**

Ушбу Конвенция унда иштирок этувчи томонлар учун мазкур Конвенция-нинг 28-моддаси 2-бандини кучда сақлаб қолган ҳолда 1922 йил 5 июлдаги, 1924 йил 31 майдаги, 1926 йил 12 майдаги, 1928 йил 30 июндаги ва 1935 йил 30 июлдаги ҳужжатларни, 1933 йил 28 октябрдаги ва 1938 йил 10 февралдаги Конвенцияларни, 1939 йил 14 сентябрдаги Протоколни ва 1946 йил 15 октябрдаги Битимни алмаштиради.

**VII Боб: Якунловчи қоидалар****38-МОДДА****БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

Ушбу Конвенция иштирокчилари ўртасида талқин этиш ёки қўллашга оид пайдо бўладиган, бошқача ҳал этиб бўлмайдиган барча баҳслар баҳслашаётган томонлардан бирининг талаби бўйича Халқаро Судга берилади.

**39-МОДДА****ИМЗОЛАШ, РАТИФИКАЦИЯ****ҚИЛИШ ВА ҚЎШИЛИШ**

- ①** Ушбу Конвенция имзоланиш учун 1951 йил 28 июлда Женевада очиқ бўлади ва шундан сўнг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибида сақланади. Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа бўлимида имзолаш учун 1951 йил 28 июлдан 31 августигача ва яна имзолаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида 1951 йилнинг 17 сентябридан 1952 йилнинг 31 декабригача очиқ бўлади.
  
- ②** Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари бўлган давлатлар, шунингдек, қочоқлар ва апатридлар мақоми масаласи бўйича Ваколатли вакиллар конференциясига таклиф этилган ҳар қандай бошқа давлатлар номидан ҳамда Бош Ассамблея уни имзолашни таклиф этган ҳар қандай давлатнинг имзолаши учун очиқ бўлади.

Ушбу Конвенция ратификация қилинади, бунда ратификация ёрлиғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибида сақланади.

- 
- ③ Ушбу Конвенция мазкур модданинг 2-бандида қайд этилган давлатларнинг қўшилиши учун 1951 йил 28 июлидан очиқ бўлади. Кўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби хузурида қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни депонация қилиш орқали амалга оширилади.

## **40-МОДДА**

### **КОНВЕНЦИЯНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

- 
- ① Ҳар қандай давлат Конвенцияни имзолаш ёки ратификация қилиш ёхуд унга қўшилиш пайтида, ушбу Конвенциянинг амал қилиши барча ҳудудлари ёки ҳалқаро муносабатлар учун масъул бўлган айrim ҳудудларига тарқалишини баён этиши мумкин. Бу баёнот Конвенция ушбу мамлакат учун кучга кирган кунда кучга киради.
  - ② Конвенция амал қилишининг ана шундай тарқалиши ҳар қандай кейинги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига йўлланган билдирги орқали эълон қилиниши керак ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан ушбу билдирги олинган кундан кейин тўқсонинчи кун ёки ушбу давлат учун Конвенция кучга кирган кундан бошлаб, агар бу охирги сана кечроқ бўлса, кучга киради.
  - ③ Ушбу Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки унга қўшилиш пайтида у тарқалмаган ҳудудларга нисбатан, ҳар бир манфаатдор давлат айнан шу ҳудудларда конституциявий хусусиятига эга сабабларга кўра, ушбу ҳудудлар хукуматларининг рухсати билан ушбу Конвенциянинг қўлланилишини кенгайтириш учун зарур бўлган чораларни кўриш имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

**41-МОДДА****ФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

Федерал ёки унитар бўлмаган давлатларга нисбатан қуийдаги қоидалар қўлланилади:

- a) мазкур Конвенциянинг федерал қонунчилик органи юрисдикциясига тааллукли бўлган моддаларига нисбатан федерал ҳукуматнинг мажбуриятлари ушбу Конвенциянинг федерал давлат бўлмаган томони мажбуриятларига кўрсатилган дараҷада мувофиқ бўлади;
- b) ушбу Конвенциянинг федерацияга кирадиган штат, провинция ва кантонлари федерациянинг конституциявий тузумига мувофиқ қонунчилик чораларини кўриш шарт бўлмаган қонунчилик юридикциясига тегишли моддаларига нисбатан федерал ҳукумат биринчи имкониятнинг ўзида мазкур моддалар тўғрисида тегишли штат, провинция ёки кантонлар ҳокимиятларини ўзининг хайриҳоҳ муносабати билан хабардор қиласди;
- c) ушбу Конвенциянинг томони бўлган федератив давлатлар ҳар қандай бошқа Аҳдлашаётган давлатнинг талабига биноан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби орқали Конвенциянинг ҳар қандай аниқ қоидасига нисбатан федерация ва унинг таркибий қисмларида мавжуд қонунлар ва амалиётда ушбу қоиданинг қонунчилик ёки бошқа йўл билан ҳаётга татбиқ этилгани кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

**42-МОДДА****ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

- 
- ①** Имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ҳар қандай давлат 1, 3, ва 4-моддалар, 16-модданинг 1-банди, 33 ва 36–46-моддалар истисно этилгани ҳолда Конвенциянинг моддаларига қўшимча шартлар қўйиши мумкин.

- 
- ②** Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қўшимча шартлар қўйган ҳар қандай давлат хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини хабардор қилиш орқали ушбу қўшимча шартларидан воз кечиши мумкин.

## **43-МОДДА**

### КУЧГА КИРИШИ

---

- ①** Ушбу Конвенция олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган санадан бошлаб тўқсонинчи куни кучга киради.
- ②** Конвенцияни ратификация қилиш ёки унга қўшилган ҳамма давлатлар учун олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлашга берилгандан сўнг, Конвенция тегишли давлат томонидан ўз ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлашга топширилган кундан бошлаб тўқсонинчи куни кучга киради.

## **44-МОДДА**

### РАД ҚИЛИНИШ

---

- ①** Ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдирги юбориш орқали ушбу Конвенцияни рад қилиши мумкин.
- ②** Бундай рад қилиш тегишли Аҳдлашаётган давлат учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдирги юборилган кундан бир йил ўтгач кучга киради.
- ③** 40-модда асосида арз қилган ёки билдирги юборган ҳар қандай давлат шундан сўнг, хоҳлаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига билдирги юбориш орқали Бош котиб ушбу билдиргини олганидан бир йил ўтгандан кейин Конвенция тегишли ҳудудда амал қилмаслиги тўғрисида раддия бериши мумкин.

## 45-МОДДА

### ҚАЙТА КҮРИШ

- 1** Ҳар қандай Аҳдлашаётган давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига юборилган билдириги орқали исталган вақтда мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин.
  
- 2** Агар бундай талаб билан боғлиқ қандайдир чоралар кўриш керак бўлса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тегишли чоралар кўришни тавсия қилади.

## 46-МОДДА

### БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛАДИГАН БИЛДИРГИЛАР

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча аъзолари ва 39-моддада қайд этилганидек, унинг аъзоси бўлмаган давлатларга қуидагиларни хабар қилади:

- a) 1-модданинг В бўлими асосида келиб тушган аризалар ва билдиргилар тўғрисида;
  
- b) 39-моддада кўзда тутилган имзолар, ратификациялар ва қўшилишлар тўғрисида;
  
- c) 40-моддада кўзда тутилган аризалар ва билдиргилар тўғрисида;
  
- d) 42-моддада кўзда тутилган қўшимча шартлар ва қўшимча шартлардан воз кечиш тўғрисида;
  
- e) 43-моддага мувофиқ ушбу Конвенциянинг кучга кирган куни тўғрисида;
  
- f) 44-моддада кўзда тутилган раддиялар ва билдиргилар тўғрисида;
  
- g) 45-моддага мувофиқ келиб тушган қайта кўриб чиқиш талаблари тўғрисида.

Буни тасдиқлаш учун имзолашга зарур ваколатга эга бўлган ҳолда ўз ҳукуматлари номидан ушбу Конвенцияни имзоладилар.

Женевада бир минг тўқиз юз йил эллик биринчи йил йигирма саккизинчи июлда бир нусхада тузилган, матни инглиз ва француз тилларида айнан бир хил, ушбу нусха Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига топширилган ҳамда унинг тасдиқланган нусхалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларига ва 39-моддада қайд этилган аъзо бўлмаган давлатларга юборилади.

## ИЗОХ

### 1-банд

- 
- ❶ Ушбу Конвенциянинг 28-моддасида сўз борадиган йўл ҳужжатлари илова этилаётган намунаға мувофиқ бўлиши керак.
  
  - ❷ Ушбу ҳужжатлар камида икки тилда бўлиши зарур, бунда улардан бири инглиз ёки француз тили бўлиши керак.

### 2-банд

Мамлакатлар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, болалар ота-оналари ёки истисно ҳолатларида бошқа катта ёшдаги қочоқнинг йўл ҳужжатларига киритилиши мумкин.

### 3-банд

Ҳужжатларни беришга олинадиган божлар миллий паспорт учун олинадиган божларнинг энг кам миқдоридан ошмаслиги керак.

## 4-банд

Алоҳида ёки истисно ҳолатларини ҳисобга олмаганда, ҳужжат иложи бори-ча кўпроқ мамлакатларда ҳақиқий бўлиши керак.

## 5-модда

Ҳужжат берадиган ҳокимиятнинг ихтиёри бўйича бир ёки икки йил давомида ҳақиқий бўлиши керак.

## 6-банд

- ❶** Ҳужжатни янгилаш ёки муддатини узайтириш ҳужжатни берган ҳокимият органи ваколатига киради, унинг эгаси қонуний асосда бошқа худудда жойлашгунича юқорида қайд этилган ҳокимият органи ҳудудида қонуний асосда яшайди. Худди шу шартлар билан янги ҳужжатни бериш аввалги ҳужжатни берган ҳокимият органи ваколатига киради.

---

- ❷** 2. Ушбу мақсадлар учун маҳсус ваколатларга эга дипломатик ёки консуллик органлари олти ойдан ортиқ бўлмайдиган даврга уларнинг ҳукуматлари томонидан берилган йўл ҳужжатлари амал қилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

---

- ❸** 3. Аҳдлашаётган давлатлар йўл ҳужжатларини янгилаш ёки амал қилиш муддатини узайтириш ёхуд улар ҳудудида бундан буён қонуний асосда яшамаётган ва ўзининг қонуний яшаш жойи мамлакатидан йўл ҳужжатлари олиш имкониятига эга бўлмаганлар учун йўл ҳужжатларини янгилаш ёки узайтириш масаласини хайриҳоҳлик билан кўриб чиқадилар.

## 7-банд

Аҳдлашаётган давлатлар ушбу Конвенциянинг 28-моддаси қоидаларига мувофиқ берилган йўл ҳужжатларини ҳақиқий деб тан оладилар.

## 8-банд

Қочоқ күчіб үтиш истагида бўлган мамлакатнинг ваколатли органлари агар ана шундай виза зарур бўлса ва улар қочоқни қабул қилишга тайёр бўлсалар, ҳужжатда визани расмийлаштирадилар.

## 9-банд

- 1** Аҳдлашаётган давлатлар бориш жойи ҳудудига виза олган қочоқларга транзит визаларни беришлари шарт.
- 2** Ана шундай визаларни бериш ҳар қандай хорижликка виза беришни рад этишни оқладиган сабаблар бўйича рад этилиши мумкин.

## 10-банд

Чиқиш, кириш ёки транзит визалари учун бож чет эл паспортлари учун виза божларининг энг кам миқдоридан ортмаслиги керак.

## 11-банд

Қочоқ бошиқа давлатнинг ҳудудида қонуний жойлашган бўлса, 28-моддана нинг шартлари ва қоидалари бўйича янги ҳужжат бериш учун масъулият қочоқ мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳудуддаги ваколатли органлар зиммасига ўтади.

## 12-банд

Янги ҳужжат берадиган ҳокимликлар эски ҳужжатни олиб қўйишлари ва, агар ҳужжатда уни қайтарилиши кераклиги қайд этилган бўлса, уни берган мамлакатга қайтаришлари керак, акс ҳолда улар ҳужжатни олиб қўйишлари ва йўқ қилишлари керак.

## 13-банд

- ❶** Ҳар бир Аҳдлашаётган давлат ушбу Конвенциянинг 28-моддасига мувоғиқ уларга берилган йўл ҳужжати эгасининг ҳужжати амал қилиш муддати давомида ҳар қандай вақтда ўз ҳудудида яна қабул қилиши шарт.
- ❷** Аҳдлашаётган давлат аввалги кичик банд қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳужжат эгасидан унинг ҳудудидан чиқиб кетиш ва қайтиб келишига нисбатан белгилаб қўйилган расмиятчиликларни бажаришни талаб қилишлари мумкин.
- ❸** Аҳдлашаётган давлатлар истисно ҳолатларида ёки қочоқнинг бўлиш муддатига муайян даврда рухсат берилганда ҳужжатни бериш пайтида қочоқ қайтиб келиш муддатини камида уч ой қилиб белгилаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

## 14-банд

13-банднинг ягона истисно шартидан ташқари, мазкур Изоҳнинг қоидалари Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудига қабул қилиш, бу ердан ўтиш, яшаш, жойлашиш ҳамда чиқиб кетишни тартибга соладиган қонунлар ва қоидаларига ҳеч бир тарзда таъсир қилмайди.

## 15-банд

Ушбу ҳужжат бўйича ҳужжатни бериш ҳам, кириш ҳам ҳужжат эгасининг ҳолатини, айниқса, унинг миллатига нисбатан белгиланмайди ва таъсир кўрсатмайди.

## 16-банд

Хужжатни бериш ҳеч бир тарзда унинг эгасига хужжатни берадиган мамлакатнинг дипломатик ёки консуллик органлари томонидан ҳимоя қилинишни ва бу органларга ҳимоя қилиш хуқуқини тақдим этмайди.